

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ИСБИНИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНган, ХУЖЖАТ КОДИ: 51-14/55271

## ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ



2022 й. «1» 12

4920-6-83-ТВ/2022-сон

Ҳақушев ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Норин тумани ТТБ номидан  
низом асосида иш кўрувчи Н.Хомирзаева бир томондан ва кейинги ўринларда  
«Пудратчи» деб юритиладиган «Сифатли тармоқ хизмат» МЧЖ номидан низоми асосида  
иш кўрувчи Б.Кучкаров иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Норин туман  
тиббиёт бирлашмасининг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш мажбуриятини олади.  
Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни жорий таъмирлаш учун  
зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда  
белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар  
Пудратчи ва Буюртмачи билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади  
ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида  
бўшатиб беради.

3. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб  
қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса  
Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

### III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда  
ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига  
мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф  
муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар  
бажарилишини таъминлаш.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда  
бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва  
субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга  
тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

5. Таъмирлаш давомида лойҳа смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган  
ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета  
қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида буюртмачига ёзма равишда хабар  
беради

### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя  
этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.



2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

## V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси 584 500 000 ( Беш юз саксон тўрт миллион беш юз минг ) сўмни ташкил этади.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи 175350000 (Бир юз етмиш беш миллион уч юз эллик минг) сўм миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини ноябр 2022 йилдан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

## VI. КАФОЛАТЛАР

### 1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бироқ



бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдориди пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

### **VIII. Низоларни хал этиш тартиби**

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

### **IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбурятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тўлиқ ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбурятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у холда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

### **X. Шартномани бекор қилиш**

1. Буюртмачи ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда,

2. Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда,

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда,

4. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда, конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида тутилган холлар бундан мустасно..

### **XI. Алоҳида шартлар**

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.



2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Бююртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳамда Ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний ҳисобланади.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

6. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача.

## ХII. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«Пудратчи»

«Сифатли тармоқ хизмат» МЧЖ

(Хизмат кўрсатувчининг номи)

«Бююртмачи»

Норин ТТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Норин тумани Хақулобод ш  
Ўзбекистон кўча №1

Манзил: Норин тумани Хақулобод ш Беруний  
кўча №21

Тел./факс: 99-324-71-87

Тел./факс 61-21-186

(х/в ёки шғх) 20208000605068951001

Шғв: 401722860142167073101054003...

Банк номи: Универсалбанк бувайда филиали

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

МФО: 01151 СТИР: 306273075

Бош бошқармаси

ИФУТ 41202

Ташкилотнинг СТИРи: 200084563

ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси

Норин туман Ғазначилик бўлинмаси

СТИРи: 201122919 МФО: 00014

Раҳбар: Н.Холмизаева

(Лавозим) (Ф.И.Ш)



Б.Кўчқаров

(ИМЗО)



Н.Холмизаева  
(ИМЗО)

# МУХОКАМА ҚАРОРИ.

“ 02 “ декабрь 2022 йил

Норин тумани



Наманган вилояти ҳудудидаги Норин туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 2021 йил “ 29 “ ноябрдаги №22110012196215 -сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрельдаги 684-сонли “ Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Норин ТТБ пссиклик тизimini жорий таъмири бўйича харидлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрельдаги 684-сонли “ Давлат харидлари тўғриси ” даги қонуни - 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "Сифатли тармок хизмат " МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “ Давлат харидлари тўғриси ” даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюрмачиси томонидан у расмийлаштирилган кундан давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюрмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди . Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Норин туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари:

Норин туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси



Н.Холмирзаева.

З.Абдукахарова



# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 196215 на приобретение иссиклик тизими жорий таъмир

Способ проведения электронный

Дата 29.11.2022

Время рассмотрения 29.11.2022 18:25

Закупочная комиссия Норин туман тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SOBIRJONOV MUSLIMJON MAXMUDJON O'G'LI	Комиссия раиси	Норин туман тиббиёт бирлашма
<b>Секретарь комиссии</b>	ORTIQALIYEV DOSTON RUSTAMJON O'G'LI	комиссия котиби	норин туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	UBAYDULLAYEV XAYRULLOJON MAXMUDJONOVICH	комиссия аъзоси	норин туман тиббиёт бирлашма
<b>Член комиссии</b>	ABDURAXMONOV MUXAMMADJON ALIJONOVICH	комиссия аъзоси	норин туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	ISAKOV DILMUROD XOLMAMATOVICH	комиссия аъзоси	Норин туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	ABDUQAHHOROVA ZUHRAXON MADAMINOVNA	комиссия аъзоси	норин туман тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.11.2022 года № лота 196215.

Метод оценки предложений – Балльный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту отопления и сантехники</b>
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту отопления и сантехники
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	585 000 000.00
Стартовая сумма	585 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-9-шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA'MIR LYUKS MЧЖ	10	10	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SIFATLI TARMOQ XIZMAT	10	Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-9-шакл	10	Экспертная		
BESHKAPA DIZAYN MCHJ	10	573300000	10	Экспертная		

Критерий №2 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш; йилига N (N — Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш; йилига N (N — Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA`MIR LYUKS MCHJ	20	20	20	Экспертная		
ООО SIFATLI TARMOQ XIZMAT	20	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл	20	Экспертная		
BESHKAPA DIZAYN MCHJ	20	573300000	20	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 40 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархнинг 20%гача миқдоридидаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларидан асосида баҳоланади) Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва солиқ қарздорлиги йуқлиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 40 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархнинг 20%гача миқдоридидаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларидан асосида баҳоланади) Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва солиқ қарздорлиги йуқлиги тугрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA`MIR LYUKS MCHJ	15	15	5	Экспертная		
ООО SIFATLI TARMOQ XIZMAT	15	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3	14	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ва 4-шакллар				
BESHKAPA DIZAYN MCHJ	15	573300000	11	Экспертная		

Критерий №4 танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA`MIR LYUKS MCHJ	5	5	5	Экспертная		
ООО СИФАТЛИ ТАРМОҚ ХИЗМАТ	5	танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл	5	Экспертная		
BESHKAPA DIZAYN MCHJ	5	573000000	5	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл Ташкилот структураси Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3 йил иш стажига эга 3 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) Ишлаб чиқариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчи мавжудлиги. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги Жами Ишчи ходимлар ЯММТ да мав/ги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл Ташкилот структураси Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3 йил иш стажига эга 3 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) Ишлаб чиқариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчи мавжудлиги. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги Жами Ишчи ходимлар ЯММТ да мав/ги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA`MIR	25	25	19	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LYUKS MЧЖ						
ООО SIFATLI TARMOQ XIZMAT	25	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл	25	Экспертная		
BESHKAPA DIZAYN MCHJ	25	573300000	12	Экспертная		

Критерий №6 Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA`MIR LYUKS MЧЖ	25	25	20	Экспертная		
ООО SIFATLI TARMOQ XIZMAT	25	Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл	20	Экспертная		
BESHKAPA DIZAYN MCHJ	25	573300000	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО SIFATLI TARMOQ XIZMAT	585 000 000.00	584 500 000.00 UZS	584 500 000.00	00.00	584 500 000.00	29.11.2022 15:19:00	4.70488
BESHKAPA DIZAYN MCHJ	585 000 000.00	573 300 000.00 UZS	573 300 000.00	00.00	573 300 000.00	29.11.2022 15:53:54	4.79679
SOF TA`MIR LYUKS MЧЖ	585 000 000.00	550 000 000.00 UZS	550 000 000.00	00.00	550 000 000.00	29.11.2022 10:49:13	5

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО SIFATLI TARMOQ	89.3	4.70488	94.00488

XIZMAT			
BESHKAPA DIZAYN MCHJ	74.1	4.79679	78.89679
SOF TA'MIR LYUKS MCHJ	70.3	5	75.3

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 196215 от 29.11.2022 года на приобретение иссиклик тизими жорий таъмир определила победителем:

OOO SIFATLI TARMOQ XIZMAT  
306273075

и резервный исполнитель: BESHKAPA DIZAYN MCHJ (302864861)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SOBIRJONOV MUSLIMJON MAXMUDJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	UBAYDULLAYEV XAYRULLOJON MAXMUDJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDURAXMONOV MUHAMMADJON ALIJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISAKOV DILMUROD XOLMAMATOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUQAHHOROVA ZUHRAXON MADAMINOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП





# Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektlari) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SIFATLI TARMOQ XIZMAT" Mas'uliyati cheklangan Jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektlarining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SIFATLI TARMOQ XIZMAT" MChJ

(Yuridik shaxsning o'zgartirilgan nomi)

Tashkil etilish (qayta tashkil etilish, boshqa ro'yxatdan o'tkazilish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.03.2019

703900

ro'yxat raqamli yozuv kirib kelganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil).

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306273075

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan Jamiyat


Joylashgan Joyi:

Namangan viloyati, Norin tumani, Xaqqulobod, O'zbekiston ko'chasi,

Guvohnoma:

Namangan-viloyati, Norin tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



*Аелиза Тўзру*  
*Б. Куликов*

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

No SF14753241

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **QURILISH PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Norin tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 30.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Norin tumani yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:



**J.M.MAMADALIYEV**

01.12.2022